

ТАЪЛИМ

Мустақил Ўзбекистонимизда барча соҳалар қаторида оммавий спортнинг тез ривожланиб бораётгани, айниқса, спортчиларимизнинг халқаро ва жаҳон ареналарида юксак натижаларга эришаётгани, бу, шубҳасиз, муҳтарам Президентимиз томонидан соҳага оид олиб борилаётган ишлорхотларнинг самарасидеийш мумкин. Хусусан, мамлакатимиз спортчиларининг ўтган йилги нуфузли халқаро мусобақа — ёзги олимпиадада эришган улкан ютуқлари бунинг мисолидир.

Албатта, катта спортда бундан ҳам юқори натижаларга эришиш учун унга мос равишда ишончли манба — мустақил пойдевор ҳам керак бўлади. Назаримда, Президентимиз томонидан 2024 йилнинг 15 ноябрида қабул қилинган “Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия фани ўқитилишини тубдан такомиллаштириш ҳамда ушбу фан ўқитувчиларининг касбий фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор эндиликда мамлакатимиз катта спортда бундан ҳам юксак натижаларга эришишда ишончли пойдевор бўлган энг қуйи бўғин — таълим мактабларида жисмоний тарбия фани ўқитилиши сифат даражасини яхшилаш, спортга қизиқувчи болаларни эрта аниқлаш ва улар билан тизимли ишлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Қарорга кўра эндиликда мактабларда ўқувчиларнинг спорт мусобақаларидаги иштироки, мактаб спорт клубларининг фа-

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАНИ КАТТА СПОРТНИНГ ИШОНЧЛИ ПОЙДЕВОРИ БУ ҲАҚДА ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ БИЛАН МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

олияти, ўқувчиларнинг спорт билан қамраб олинганлик даражасини аниқлаш юзасидан рейтинг тизими жорий этилади. Шунингдек, қарорда спорт турлари бўйича яхши натижаларга эришган ўқувчилардан иборат жамоаларни шаклланди.

ҳам деярли эътиборда эмасди. Бу бир жихатдан таълим тизимида жисмоний тарбия фанига бошқа фанларга нисбатан камроқ эътибор қаратилгани билан боғлиқ бўлгандир балки. Аслида, катта спортда маълум бир натижаларга эришишни мақсад қилган ҳар қандай ёш спортчи талаба Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари ҳақида аниқ тасаввур ва билим-кўникмаларга эга бўлиши шарт. Бундай билим-кўникма эса мактабларда шакллантирилиши керак.

Мазкур қарор билан ҳар бир мактабда босқичма-босқич мактаб спорт клублари фаолияти йўлга қўйилиши ҳам биз учун энг муҳим янгилик бўлди. Негаки, жисмоний тарбия дарсларида ўқувчилар спортнинг маълум бир турлари бўйича назарий ва амалий билим

каби ташкилий масалаларни йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлади. Дарвоқе, Президент қарори билан жорий йилнинг 1 майгача мактаб спорт клублари аъзолари учун Зомин туманидаги “Лочин” дам олиш масканида ўқувчиларни спорт мусобақаларига тайёрлаш базаси ташкил этилиши ҳам бўлғуси спорт юлдузларини босқичма-босқич тайёрлаб бориш учун катта имкониятлар эшигини очади, деган умиддамиз.

Қарорда жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг билим даражаси ва маҳоратини ошириб боришга қаратилган тартибларга ҳам алоҳида аҳамият қаратилган. Жумладан, 2024 йилнинг 1 июлига қадар жисмоний тарбия ўқитувчиларининг билим даражаси ва касбий маҳоратини аниқлаш бўйича миллий баҳолаш тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этиш белгиланган. Бу талаб, албатта, келгусида жисмоний тарбия фани ўқитувчилари олдида ҳам ўз билим даражаларини мунтазам ошириб бориш масъулиятини қўяди. Шунингдек, 2025-2026 ўқув йилидан бошлаб 5-11-синфлар жисмоний тарбия фани ўқитувчилари учун ўқув-методик қўлланмалар ишлаб чиқилиши ва фаолиятда қўллана бошланиши жисмоний тарбия фанининг сифат даражасини кўтариш, жисмоний тарбия фани ўқитувчилари эса ўз вазифаларини замонавий стандартлар асосида ўқизларини таъминлашга хизмат қилади.

Мамадали ШОЙИМОВ,
41-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси.



тирган ҳолда халқаро мусобақаларда иштирок этишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратилади.

Шахсан мутахассис сифатида менинг эътиборимни тортган жиҳат эндиликда мактабларда устувор равишда олимпия ўйинлари дастурига кирган спорт турларининг ривожланганлиги, ўқувчиларнинг турли спорт мусобақаларда кўлга киритган ютуқлари ҳамда уларнинг спорт билан қамраб олинганлиги, мактаб спорт клублари фаолиятининг самарали йўлга қўйилганлигига алоҳида эътибор қаратилиши бўлди. Қарорда белгилаб қўйилган ушбу мезон, таъкидлаш жоизки, бугунгача ҳақиқатан

Узоқ йиллардан буён аънаънага айланиб қолган ва ҳар йили 1-синф ўқувчилари алифбе китобини тугатишгандан сўнг ўтказиладиган саводхонлик байрами тадбирининг асосий сабабларидан бири мактабга илк қадам қўйган ва ўқиш, ёзишни билмайдиган боланинг уч ойда савод чиқариши: ўқишни, ёзишни, ҳисоб-китобни ўрганиши, ўтилаётган барча дарсликларни ўзлаштириб олиши ҳисобланади. Уларнинг саводли одамлар қаторига қўшилиши эса катта натижадир.

Бойсун туманидаги 54-умумтаълим мактабининг бу йилги 1-синф ўқувчилари ҳам қисқа вақт ичида “Алифбо”ни ўзлаштиришга эришишди. Шу муноса-

МАКТАБДА САВОДХОНЛИК БАЙРАМИ



бат билан мактабда “Саводхонлик байрами” тадбири ўтказилди. Тадбирда туман ҳокимлиги вакиллари, туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимининг Таълим ва фан ходимлари Касаба уюшмаси раиси Н.Шарипов, мактаб ўқитувчилари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

—Алифбе байрами дейишса кишининг кўз олдида шовқин-суронли, бетартиблик ҳукм сурган, ўқувчилар қаердан чиқиб, қаерга туришини унутиб қўядиган, ҳаяжон ва кўркув сабаб ёдлаган шеър ёки кўшиги ёдидан чиқиб қоладиган тадбирни тушунар эдик, — дейди байрамни завқ билан кузатаётган ота-оналардан бири. — Ушбу саводхонлик байрами эса шундай ташкил этилганки, мен ҳозир

шимизнинг таълим ва тарбия соҳасига қаратаётган эътиборларининг самарасини ушбу тадбир орқали ҳам кўриш мумкинлигини эътироф этишди. Бу йил мактабга қабул қилинган 35 нафар ўқувчиларнинг ўқишларига муваффақият тилаб, маррани баланд олишлари ва келажакда мамлакатимизга фойдаси тегадиган ўғил-қизлар бўлиб улғайишларига ишонч билдиришди.

Тадбир якунида ўқувчилар мактаб маъмурияти томонидан мақтов ёрлиқлари ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Бобур СОБИРОВ,
54-сонли умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси.

Дарҳақиқат, халқимиз севиб истеъмол қиладиган ушбу қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотининг бозор нархлари кўндан-кўн юқорилаб бормоқда. Бу юқорилаш Республикаимизнинг барча ҳудудларида деярли бир хил кўринишда. Бундан хулоса қилиш мумкинки, унга бўлган талаб юқори, таклиф эса ҳар доимгидек паст.

Бу ҳақда Президентимиз ҳам яқинда бўлиб ўтган томорқаларда ва ижарага берилган экин ерларида даромадли маҳсулот етиштиришнинг янги тизими бўйича ўтказилган йиғилишда ҳам алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Маълумотларга кўра мамлакатимизда 300 минг гектарга яқин ерда картошка етиштирилади. Бироқ картошкачиликда замонавий технологиялар ва агротехник талаблар барча жойда бир хил таъминланмаган, уруғчилик ва селекция ишларидаги сусткашликлар боис ушбу ер майдонларида етиштирилаётган маҳсулот халқимиз эҳтиёжи учун қамқил қияпти. Яъни, халқимизнинг йиллик картошкага бўлган 4 миллион тонналик талаби қопланмаяпти.

Ваҳоланки, картошкачиликда юқори натижаларга эришаётган кўпчилик ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда йилига бир эмас, икки марта картошка (баҳорги ва кузги ҳосил) етиштириш мумкинлигини эътиборга олсак, мамлакатимиз нафақат ўз аҳолисини картошкага бўлган талабини қондириш, балки бу маҳсулотни кўплаб экспорт қилувчилар қаторида туриши ҳам мумкин.

Ушбу имкониятларни эътиборга олган ҳолда Президентимиз Ўзбекистонда 2027 йилдан картошкага бўлган эҳтиёжимизни

КАРТОШКА ЯНА ҚИММАТЛАШАДИ УНИ АРЗОНЛАШТИРИШНИНГ ЯҒОНА ЙЎЛИ ЎЗИМИЗДА ЕТИШТИРИШНИ КУПАЙТИРИШ

ўзимиз таъминлашимиз мумкинлигини режалаштириш таклифи билан чиқдилар. Эътиборли жиҳати, бу режалар ижроси

йўқ. Шунинг учун ҳам туманимизда ушбу маҳсулот етиштиришни йўлга қўйишда ҳудудлардаги имкониятлар, шарт-шароитлар ўрганилиб, мутахассислар томонидан чўқур таҳлил этилган ҳолда уларнинг хулосалари асосида ҳудудлар бўйича таксимланиши мақсадга мувофиқ, Бу соҳада ҳар қандай кампаниябозлик ўзини оқламайди, бинобарин, картошкага бўлган талаб олдида таклиф яна пастлигича қолаверади. Оддий бир мисол, туманда сув тақчиллиги барчага маълум, шундай экан картошканинг сувга бўлган талаби юқори эканлигини билган ҳолда уни фақат сув таъминоти нисбатан яхши бўлган

йўналишида жорий йилнинг ўзида картошкачиликни ривожлантириш мақсадида 400 миллиард сўм маблағ йўналтириладиган бўлди.

Шу ўринда Президентимиз таклифига асосан туманимизда ҳам картошка етиштиришни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари ва бу борада унутилган баъзи бир тажрибаларни эслатиб ўтишни жоиз топдик.

Умуман олганда, картошка маҳсулоти етиштиришнинг ўзига хос агротехник талаблари ҳам мавжудки, бу талабларни айнан туманимизнинг барча ҳудудларида бирдек амалга оширишнинг имкони

ҳудудлардаги фермерлар ер майдонлари ва томорқаларда етиштиришни йўлга қўйиши керак. Бизнинг шароитда тоғолди ҳудудларининг қуйроқ қисмида, асосан Дарбанд, Даҳнаижом, Ҳўжабулгон, Чилонзор, Авлод, Сарисийё, Кўнчак, Бибиширин каби қишлоқ ва маҳаллалари ҳудудида картошкачиликдан кўзланган ҳосил ва даромадни олиш мумкин.

(Давоми 2-бетда)



БОЙСУН 2025 йил учун “БОЙСУН” АЗИС ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЕТМОҚДА

Муштарийлар! Обуна бўлиш бевосита газета муҳарририяти орқали амалга оширилади. (Агробанкдаги ҳисоб рақами: 2 0 2 1 0 0 0 0400429681001, ИНН:202173689)

Илтифат обуна баҳоси — 270000 сўм.

“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ”ГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Жумладан, лойиҳа киритиш босқичи — 1-20 феврал; саралаш босқичи — 21 феврал-7 март; тарғибот босқичи 8-10 март; овоз бериш босқичи — 11-20 март кунлари ўтказилади.

1-мавсум гоилиблари 21 март — Наврўз байрами кунида эълон қилинади.

Азиз ҳамшаҳарлар! Ўз маҳаллангиз, яшаб турган ҳудудингиздаги мавжуд муаммоларга нисбатан бефарқ бўлмасангиз, ушбу лойиҳада фаол иштирок этинг.

Унутманг, “Ташаббусли бюджет” лойиҳалари учун маблағлар асосан маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланадики, сиз ҳам солиқ тўловчи сифатида ушбу бюджет шаклланишида ўз ҳиссангизни қўшгансиз. Шундай экан, фаол бўлинг ва маҳаллангиз, яшаб турган ҳудудингиз ижтимоий-иқтисодий ривожига ўз ҳиссангизни қўшинг. Бу ҳисса бугун, ҳозир сизнинг “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси учун берган овозингиз бўлиши мумкин.

ТАҲРИРИЯТ.

БЕШИНЧИ СЕССИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

Еттинчи чакриқ Халқ депутатлари Бойсун тумани Кенгашининг навбатдаги бешинчи сессиясида 2024 йилда йўналишлар бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда 2025 йилнинг 1-чораги учун белгиланган вазифалар, шунингдек, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, солиқ қонунчилиги, аҳоли муаммолари билан ишлаш ва

амалга оширилган ишлар тўғрисида” Бойсун туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ю.Жўраев, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги 145-сонли қарори ижроси” юзасидан туман ҳокимининг ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи И.Яхшиеванинг ҳисobotлари эшитилиб, депутатлар томонидан атрофлича муҳокама



бошқа бир қатор йўналишларга тааллуқли жами 14 та масала муҳокама этилди.

Хусусан, “Бойсун туманида юридик ва жисмоний шахсларнинг қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларига 2025 йил учун ер солиғи ставкаларини белгилаш ҳақида” Бойсун туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Сарманов, “Бойсун туманида дастурлар ижроси, жумладан, оилавий тадбиркорлик дастурлари, ажратилган кредитлар самарадорлигини таъминлаш, муаммолар кредитларни сўндириш борасида жорий йилнинг 4-чорагида

этилди. Шунингдек, сессия кун тарихига киритилган ҳамда муқаддам Халқ депутатлари туман Кенгашидаги доимий комиссияларда кўриб чиқилган бошқа масалалар юзасидан қабул қилинган лойиҳалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессия йиғилиши давомида муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан депутатларнинг таклиф-мулоҳазалари эътиборга олиниб, қарорлар қабул қилинди.

С.БАҲОВУДДИНОВ,
Халқ депутатлари Бойсун туман Кенгаши депутати.

Замонавий дунёда ижтимоий тармоқлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. “Facebook”, “Instagram”, “Tik-tok”, “Twitter” каби платформалар орқали одамлар ўзаро мулоқот қилишади, янгиликлардан хабардор бўлишади ва ҳаётни бошқалар билан баҳам кўришади. Бироқ ижтимоий тармоқларнинг ёшлар руҳияти ва саломатлигига салбий таъсири ҳақида жиддий ўйлаб кўрмаймиз. Тўғри, унинг замонавий башариёт учун аҳамияти, фойдаси ҳақида баҳс қилишга ўрин йўқ. Аммо бошқа жиҳатдан, масалан, инсон саломатлиги ва руҳиятига кўрсатувчи салбий жиҳатларини ҳам тан олимаслик ва бу ҳақда дунё ҳамжамияти томонидан билдирилаётган хавотирларга-да эътибор қилмаслик мумкин эмас.

Ижтимоий тармоқларнинг ижобий жиҳатлари ҳақида гап кетганда, аввало, у энг замонавий мулоқот алоқа воситаси эканлигини эътироф этиш мумкин. Масалан, у узокдаги дўстлар, яқин оила-аъзо ва ҳамкорлар билан алоқа қилишни осонлаштирди, ахборот олиш тезлигини максимал даражада оширди. Шунингдек, ёшларга ўзини ифода этиш, яъни ўз фикрлари, истездоларини оммага намойиш этиш имкониятларини пайдо қилди. Таълим ва ривожланиш соҳасида эса ижтимоий тармоқлар орқали турли онлайн курсларда иштирок этиш, илмий мақолалар ва ўзлари излаган қизиқарли фактлар билан тезликда танишиш имкониятларини яратди.

Аммо биз ушбу мулоҳазаларимиз орқали ижтимоий тармоқларнинг ёшлар руҳиятига, саломатлигига кўрсатиши мумкин бўлган салбий жиҳатларига кўпроқ ургу беришни ният қилганмиз. Зотан, ҳаётимизда рўй берадиган ҳар қандай янгилик, тараққиёт намуналарининг энг аввало салбий жиҳатлари ҳақида ўйлаш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Ижтимоий тармоқларнинг ёшлар руҳиятига салбий таъсирининг энг кўп учрайдиган жиҳатларидан бири — бу депрессиядир. Яъни, ижтимоий тармоқлар орқали доимий равишда бошқаларнинг “идеал” ҳаётини кузатиш охир-оқибат ўзини бошқалар билан солиштиришга олиб келади. Бу эса ўзига паст баҳо бериш ва депрессияга сабаб бўлиши мумкин. Кун бўйи, айниқса, ярим тунгача узок вақт ижтимоий тармоқларда

Бугунги кунда меҳнат миграцияси одатий турмуш тарзимизнинг бир қисмига айланиб улгурган. Бутун дунё бўйлаб амал қилиб келинаётган бу жараён мустақиллик йилларида бизнинг ҳаёт тарзимизга ҳам аста-секин кириб келди.

Аввалига ёшларимизнинг оммавий тарзда хорижга иш излаб чиқишлари, энг оғир шароитларда ҳаётини хавф остига қўйиб ишлаш жараёнлари аста-секин ҳукуматимиз томонидан таҳлил этилиб, меҳнат миграциясини тартибга солиш, хусусан, бу борада халқаро тажрибаларини ўрганган ҳолда чет эл давлатлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш йўлга қўйила бошланди. Шахсан Президентимиз

томонидан ўзбекистонлик фуқароларнинг хорижга чиқиб ишлашлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш, уларнинг аҳолидан хабардор бўлиш, ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият бериш тартиблари жорий қилинди. Хатто, эндиликда олисдан иш излаб, қийналиб юрган ватандошларимизни қайтариш ва уларни ўз туғилган юртида иш билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилиб, махсус лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу саъй-ҳаракатлар, энг аввало, ҳар бир ўзбекистонлик қаерда бўлмасин давлатимизнинг, ҳукуматимиз ва Президентимизнинг эътиборида, ҳимоясида эканлигидан нишонча. Миграциядаги ватандошларимизга бўлган эътибор доирасида кейинги пайтда ҳудудларда туман, вилоятлар ҳокимлари, сектор

раҳбарлари ташаббуси билан мигрантлар билан онлайн мулоқот қилиш, уларнинг муаммолари, таъшишлари билан қизиқиш, оила аъзоларидан мунтазам хабардор бўлиш шарт-шароитлари ҳам амалга оширилди. Жумладан, яқинда туманимиз ҳокими Боҳадир Шукуров ва сектор раҳбарлари хорижда меҳнат қилаётган

ҳамда таълим олаётган 160 нафарга яқин ёшлар иштирок этишди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида туман ҳокими Б.Шукуров



ХОРИЖДАГИ ЮРТДОШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ



бир гуруҳ бойсунлик ёшлар билан видеочат орқали навбатдаги мулоқотни ўтказдилар.

Телеграмм платформасида видеочат орқали бўлиб ўтган мулоқотга чет элларда меҳнат

оширилаётгани ҳақида тўхталиб ўтди. Жумладан, ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари, ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун имтиёзли кредитлар тақдим қилиниши, бошқа имтиёзлар

фойдаланишининг ўзига хос концепциялари ҳам таклиф этилмоқда. Жумладан, биринчи навбатда ёш болалар, ўсмирлар ва ёшлар учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда қунийл вақт чегарасини белгилаш ва унга қатъий амал қилиш, реал ҳаётдаги мулоқотни устун қўйиш, яъни дўстлар ва оила билан жонли мулоқот қилишга кўпроқ вақт ажратиш; кўпроқ фойдали континентларга эътибор қаратиш — илмий, маърифий ёки мотивацион материалларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланмоқда. Шунингдек, ижтимоий тармоқлардан фойдаланишдан танаффус қилиш — ижтимоий тармоқлардан узоклашиш, салбий контентлардан тийилиш — зўравонлик, негатив ва ёлғон маълумотларга асосланган постлардан қочишга интилиш ҳам ёшларни руҳий стресслардан холи бўлишига ижобий таъсир қилувчи омил сифатида эътироф этилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра мобиль алоқа воситаларидан муттасил фойдаланиш, айниқса, ижтимоий тармоқларда узок қолиб кетишнинг аянчли оқибатлари ҳозирданок ўзини кўрсата бошлаган. Бугун ёшлар орасида эшитиш ва кўриш аъзоларида нуқсонли борлар кўпайиб бораётгани, ижтимоий тармоқлар орқали бўлаётган даъватлар васвасасида руҳий зўриқиш тўғрисида ўз жонига қасд қилиш жиддий тус олаётгани замонавий алоқа воситаларидан ноодатий фойдаланишнинг оқибати эканлиги ҳаётий ҳақиқатдир.

Шу ўринда болалар ва ўсмирларда замонавий алоқа ва ахборот воситаларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, энг аввало, оила муҳитида йўлга қўйилиши ва бунда ота-оналар асосий масъулиятни ўз зиммаларига олишлари лозимлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Зеро, фарзанд таълим-тарбияси ва ахлоқи учун жавобгарлик қаторида ёшларни турли хил ноҳўя таъсирлар ва хуружлардан ҳимоя қилиш, асраш ҳам ота-она учун ўз фарзанди камоли ва келажаги йўлида амал қилиши лозим бўлган муҳим мажбуриятдир.

Жавохир АБДУНАБИЕВ,
Тузбозор маҳалла ёшлар етакчиси.

Кейинги пайтда ўз хонадонларида ёпик-яширин “ҳўжра” ташкил этиб, ёшларга ноқонуний диний таълим бериш ҳолатлари тез-тез содир этилаётганлигига гувоҳ бўляпмиз. Хусусан, кенг жамоатчилик орасида дин пешволари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан тушунтиришлар, профилактик тадбирлар ўтказиб турилаётганига қарамай ўтган йил давомида туманимиз ҳудудида ҳам мана шундай ҳолатлар кайд этилган ва айбдорлар тегишли тартибда жавобгарликка тортилганди. Бироқ Сайроб маҳалласида яшовчи фуқаро С.А ушбу ҳолатлардан ҳулоса қилмай ўз уйида “ҳўжра” ташкил этиб, руҳсатсиз диний таълим бериш билан шуғулланишни йўлга қўйди.

Ушбу мавзуда муқаддам “Бойсун” газетаси орқали қилган чиқишларимизда мамлакатимизда амалдаги қонунлар доирасида диний таълим олиш тақиқланмаганлиги, бироқ ҳар қандай диний таълим тегишлича фаолиятга эга диний таълим масканлари, олийгоҳлар ва мадрасаларда амалга оширилиши лозимлигини қайта-қайта эслатганмиз. Қолаверса, бу ҳақда ҳудудлардаги мажидларда имом-хатибларимиз ўз амру-маъруфларида эслатиб келяптилар. Сайробдаги воқеа эса фуқаро С.А мана шундай тартиб-меzonлардан беҳабар эканлиги, хабардор бўлган тақдирда ҳам бу масалада масъулиятни ҳис қилмаганлигидан дарак беради.

Ўз хонадонида 3 нафар ёшларга ноқонуний ва руҳсатсиз тарзда диний билим бериб келаётган С.А нинг қилмиши 2024 йилнинг 19 декабр куниди

Бойсун туман ИИБ ҳамда ДХХ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида аниқланиб, ҳолат юзасидан тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилганди. Яқинда “Мустақиллик” маҳалласи ҳудудидаги 39-умумий ўрта таълим мактабида жиноят ишлари бўйича Бойсун туман суди томонидан ўтказилган сайёр суд мажлисида ушбу

МАҲАЛЛАДА САЙЁР СУД УНДА НОҚОНУНИЙ “ҲЎЖРА” ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ



иш муҳокама этилиб, С.А нинг ҳатти-ҳаракатига қонуний баҳо берилди. Диний ишлар қўмитасининг Бойсун тумани бўйича бош мутахассиси, ИИБ масъул ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида бўлиб ўтган суд мажлиси жараёнида фуқаро С.А ўз қилмишининг оғир оқибатларини тушуниб, қилган айбини тан олгани ва унинг қилмиши устидан адолатли жазо берилаётгани, албатта, қонун устуворлигининг бир кўриниши. Белгиланган 7 кунлик маъмурий қамоқ жазоси ортидан айбдор ҳам ўз қилмишлари ҳақида янада чуқурроқ

хулоса қилиши шубҳасиз. Бироқ бу каби ҳолатларнинг пайдо бўлиши ва оқибатлари ҳақида, бизнингча нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, балки кенг жамоатчилик, энг аввало, имом-хатибларимиз, домлаларимиз ҳам жиддийроқ ўйлаб кўришлари лозим. Энг аввало, аҳоли орасида барча соҳаларда бўлганидек, диний тартиблар ва амаллар ижроси бўйича қонунийликни таъминлаш, қонун талабларига амал қилиш зарурлиги хусусида тушунтиришлар, маънавий-ҳуқуқий тадбирлар ўтказиб туриш керак бўлади. Айниқса, ушбу мавзуларга тегишли суд ишлари жамоатчилик орасида “сайёр суд”ларда муҳокама қилаётганлигининг ўзи ҳам алоҳида профилактик тадбирдек гап. Фақат бу сайёр судларда иштирок этган фаоллар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ҳамда имом-домлалар суд жараёнида муҳокама этилган ишлар, уларнинг натижалари ва хулосалари хусусида жамоатчиликни бохабар қилиб турсалар самарадорлик янада таъсирчан бўларди, шубҳасиз.

Фиримиз сўнггида эса ҳурматли ота-оналаримиздан фарзандлари келажакка бефарқ бўлмасликлари ва уларга диний таълим беришни “ҳўжра”лардан эмас руҳсат берилган диний таълим муассасаларидан бошлашларини маслаҳат берган бўлардик.

Ф.ЭРҒАШЕВ,
Бойсун туман ИИБ ходими.

Д.НАРЗУЛЛАЕВ,
Бойсун туман ҳокимининг диний ишлар бўйича бош мутахассиси.

КАРТОШКА ЯНА ҚИММАТЛАШДИ УНИ АРЗОНЛАШТИРИШНИНГ ЯҲОҶА ЙЎЛИ ЎЗИМИЗДА ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ

Шу ўринда бир замонар туманимизнинг юқори тоғли ҳудудларида картошқачиликни йўлга қўйишда ўзига хос тажриба яратилганлигини эслаш қийфоя. Эсингизда бўлса, бундан 20-30 йиллар муқаддам (ўша пайтларда ҳам картошқа маҳсулотига бўлган талаб жуда баланд бўлган) хозирги Ҳўжайидол (Қўрғонча), Деҳболо, Гуматак, Алчопон, Пастки ва Юқори Маҷай қишлоқлари ҳудудида (асосан томорқаларда) картошқа етиштириш оммалашиб, туманимиз аҳолисининг ушбу тур маҳсулотига бўлган талаби асосан тоғлик деҳқонлар етиштирган маҳсулот ҳисобидан қондирилган пайтлар бўлди. Айниқса, маҷайлик деҳқонлар етиштирган картошқа серхосиллиги, тарози бошиш ва экологик тозаллиги жиҳатидан истеъмолчиларга манзур бўлганлигини бугунгача кўпчилик яхши эслайди. Бу ҳудудда етиштирилган ва асосан туман аҳолисига таклиф қилинган картошқаларнинг ҳар бир донаси ўртача 250-300 грамм тош босганлиги, ҳатто оғирлиги 1 килогача бўлган картошқа етиштирилган ҳолатларга ҳам гувоҳ бўлган пайтларимиз бўлган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, туманимизнинг иқлими нисбатан мўътадил ва тупроқ намлиги нисбатан юқори бўлган тоғли ҳудудларида бугун ҳам картошқачиликни йўлга қўйиш айни муддао бўлиши мумкин. Негаки, бу ҳудудларда, эслатиб ўтганимиздек, сифатли картошқа етиштиришда ўзига хос тажриба ҳам, қолаверса, сув билан боғлиқ имкониятлар ҳам нисбатан яна яхши.

Бугунги бозор талабидан келиб чиқиб, мамлакатимизда картошқа маҳсулоти катта даромад берувчи қишлоқ ҳўжалик муҳсулотлари рўйхатида киритилган. Ўзимизда имконият бўла туриб уни қиммат нархда четдан олиб кириш эса на ўзини оқлайдиган на аҳолининг талабини тўлақонли қондирадиган амалиёт. Қолаверса, бугун ривожланган барча мамлакатларда

аҳолининг йилдан-йил ошиб бораётган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тезда қондириш, шунингдек, юқори даромад олиш илнжидида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштиришда ҳаддан ташқари кўп захарли кимёвий воситаларнинг ишлатилиши, айниқса, гибридлаштириш оммалашганлиги боис хориждан келаётган маҳсулотларнинг экологик жиҳатдан талабга жавоб беришига ҳам унчалик қафолат йўқ.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек туманимизда ҳам аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, кундалик турмуш тарзимиз учун энг зарур бўлган маҳсулотлар нархларининг асоссиз кўтарилиб кетмаслигини назорат қилиш ўз қўлимизда. Шу жумладан, халқимиз энг кўп истеъмол қилувчи маҳсулот — картошқа етиштиришни кўпайтириш ва тизимли йўлга қўйиш ҳам.

Мухтарам Президентимизнинг Ўзбекистонда картошқачиликни ривожлантиришга қаратилган тақдирларининг мақсад-моҳиятидан келиб чиқиб туманимиздаги фермер ҳўжаликлари раҳбарлари, томорқа ҳўжалиги эгалари, шунингдек, тегишли ташкилотлардаги соҳа мутахассислари мавжуд имкониятлар, шарт-шароитларни таҳлил қилган ҳолда ўзимизда картошқа маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун барча чора-тадбирларни йўлга қўядилар, деган умиддамиз. Зотан, туманимизда картошқачиликнинг ўзига хос таърибасини қайта тиклаш пировард натижада нафақат аҳолиимизнинг талабини қондириш, балки янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли хонадонлари учун қўшимча даромад олиш манбаи бўлиб ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

Даврон ОРИФ.

2024 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОР ИЖРОСИ АМАЛДА

“Қишлоқ ҳўжалиги майдонларидаги қўшимча имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган эди.

Унга кўра ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига дала четларида ҳамда аҳоли томорқаси, хонадонлар ва кўп қаватли уйлар олди, маҳалланинг ички кўчаларида маҳсулот етиштириш, қишлоқ ҳўжалиги субъектларига уруғ ва кўчатлар етказиб бериш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни экспортга йўналтиришни ташкил этиш вазифаси юклатилди. Бундан ташқари яшаш уйлари атрофи, ариқ бўйлари, катта йўл жияқларига олча, бодом, олма, чилонқийда дарахт кўчатлари экиш топширилган. “Ашил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ўсимликлар карантини ва ҳимояси ходимлари бир қанча ишларни амалга оширди. Туманимиздаги Бошработ маҳалласи ҳудудидаги ташландиқ ерлар, кўчалар атрофига олча, гилос, олма, бодом каби дарахт ниҳоллари ўтказилиб, парваршиланмоқда. Қарорда назарда тутилган топшириқлар асосида туманимиз ҳудудида кўчат экиш ишлари жадал давом этмоқда.

А.ЭШПЎЛАТОВ, ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлими бошлиғи.
А.КЕНЖАЕВ, етакчи мутахассис.

Ёшлар ўртасида стол тенниси спорт турини ривожлантириш алоҳида эътиборда турган масала.

Хусусан, кейинги йилларда туманимиз ёшлари орасида ҳам спортнинг ушбу қизиқарли турига бўлган қизиқиш ортиб, янада омма-лашмоқда. Қолаверса, жойларда стол теннисини янада ривожлантириш, шарт-шароитлар яратиш ва ёшларни рағбатлантириш масаласига турли муассасалар, таълим муассасалари, тадбиркорлик субъектлари ҳам бош қўшиб, ҳомийлик қилишяпти. Бу борада, айниқса, туман прокуратураси томонидан ибратли ишлар йўлга қўйилган.



Дарҳақиқат, туман прокуратураси ходимлари тумандаги спорт мактаби, таълим муассасалари ҳамда маҳаллалар ҳамкорлигида спортнинг турли йўналишлари бўйича тез-тез нуфузли мусобақалар ташкиллаштириб, ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиб келяптилар. Жумладан, спортнинг стол тенниси йўналиши бўйича мунтазам ўтказиб келинаётган “Прокурор кубоги” мусобақаси ана шундай оммалашган тадбирлардан бири. Мазкур аънаёнага кўра яқинда туман спорт макаби биносидида 14-30 ёшдаги ёшлар ўртасида кубок мусобақаси ўтказилди. Кескин курашлар остида ўтган мусобақа жараёнида маҳалла ва ташкилотлардан иштирок

этган ёш теннисчилар ушбу спорт турининг ўзига хос нозик ва завқли жиҳатларини намойиш этишга ҳаракат қилиб ғолиблик учун беллашдилар. —Спортнинг теннис тури ҳақиқатан ҳам ёшларимиз орасида тез оммалашиб бормоқда, — дейди мусобақа якуни ҳақида туман спорт мактаби директори Мамаюсуф Раҳимов — Аслида теннис уйини ҳар қандай ёшдаги инсонлар учун ажойиб чиникиш мактаби бўлиши мумкин. Муҳими, бу спорт тури, айниқса, ҳаваскорлар учун ёш танламайди. Уни нафақат ҳар бир маҳалла, корхона-ташкilotда, балки ҳар бир оилада ҳам оммалаштириш унчалик қийин иш эмас. Назаримда, ҳамкорлар томонидан ўтказиладиган мана шундай қизиқарли мусобақалар туфайли теннис спорти туманимизда янада оммалашиб, халқимизнинг энг сеvimли спорт турига айланиши шубҳасиз. Кўтаринки руҳда ўтган мусобақа якунида барча ғолиблар ҳамкор ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари ҳамда махсус “Диплом”лар билан тақдирландилар.

Ф.НОРМАТОВ,
Бойсун туман ёшлар ишлари бўлими бошлиғи.

ҚОНУНЧИЛИК

НОГИРОНЛИГИ БОРЛАР УЧУН ЯНГИ ИМТИЁЗЛАР

Мамлакатимизда ногиронлиги бор шахсларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳам жамиятнинг тўлақонли аъзолари бўлишлари учун етарли имкониятлар яратиб бериш йўлида амалий ишлар давом этмоқда. Шу жумладан, давлатимиз қонунчилиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида бу масалаларга алоҳида аҳамият қаратилляпти. Хусусан, 2024 йилнинг 5 сентябριда Президентимиз томонидан имзоланган УРҚ-955-сон Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Мазкур қонунга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга кўра энди давлат ногиронлиги бўлган шахслар учун бошқалар билан тенг равишда одил судловдан фойдаланиш имкониятини таъминлайди, шу жумладан, суд процессининг барча босқичларида, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонунда белгиланган тартибда бевосита ёки билвосита иштирок этишини таъминлашга қаратилган чораларни кўради.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиши, жумладан, қонунда белгиланган тартибда сайллаш ва сайланиш, референдумларда иштирок этиш ҳуқуқи ҳам таъминланади. Бунда давлат сайлов участкаларида (референдум участкаларида) ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча тоифалари, хусусан, эшитиш, кўриш бўйича ногиронлиги бўлган, ўриндиқли аравачалардан фойдаланувчи шахслар овоз бериши учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш учун ҳам масъулиятни ўз зиммасига олади. Таъкидлаш жоизки, илгари қонунчиликда бундай нормалар мавжуд бўлмаган.

Эндиликда қонун, шунингдек ногиронлиги бўлган шахслар билан мулоқот қилиш учун қўлай мулоқот шакллари, шунингдек, ижтимоий инфратузилма объектларини ногиронлиги бўлган шахсларнинг уларга моневьликсиз кириши учун ҳам мослаштириш асосларини белгилловчи нормалар билан тўлдирилмоқда.

Нодир МАМАДИЕВ, **Бойсун туман адлия бўлими бошлиғи.**

БОЙСУН ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН БАРЧА КОРХОНА, ТАШКИЛОТ РАЎБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! 2025 йилнинг 10 мартидан кечиктирмай;

Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги Қонуни талабларига кўра ўтган 2024 йил якунлари юзасидан ҳисоботларни белгиланган муддатлардан кечиктирмай тақдим этишлари лозим.

Шу муносабат билан:

1-КВ шакли (йиллик) статистика ҳисоботини кичик корхона ва микрофирмалар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари) 2025 йилнинг 10 мартидан кечиктирмай;

1-ҲХ шакли (йиллик) статистика ҳисоботини фермер ҳўжаликлари

1-NNТ шакли (йиллик) статистика ҳисоботини ташкилий-хуқуқий шакли жамоат бирлашмаси, жамоат, уюшма (иттифок) бўлган нодавлат-нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари 2025 йилнинг 4 мартидан кечиктирмай;

1-Notijorat шакли (йиллик) статистика ҳисоботини нотижорат ташкилотлар 2025 йилнинг 14 мартидан кечиктирмай статистика органларига электрон шаклда тақдим этишлари шарт.

Юқорида қайд этилган йиллик ҳисоботларни my.stat.uz сайти-

Дар бораи рўзгору фаъолияти ин марди захматпешаву меҳнатқарин, дар матбуоти даврий баъзе фикрҳои хайру қолиб хондаам, аммо коми-лан такопўю талошу фаъолияти чамъиятие илмиаш аз ҳамаи на-виштаҳо хусусиаш болост. Зеро кофи нест, сиёҳ қордани чанд са-ҳифа борои фарогирии рўзгори ин марди пайгири роҳи савоб.

Ў зодаи деҳаи зебобанзари деҳаи ҳар-дурист. Мабдову огози таҳсилаш аз мактаби рақами панҷ, ки садҳо фозилонро дар олами илму фарҳанг ба камол расондааст, манша гирифта. Олами пурас-рори адабиёт, на-мунаи ибрати шахси будани та-лқингари ро-стию покии му-аллими адабиёт-таш ўро ҳидоят намуд барои такмили дониш ба факултаи филологии Донишқадаи дав-латии Самарқанд ба номи устод С.Айни равои шавад. Баъди хатми бомуваффа-қияти донишқада кору фаъолиятро аз мактаби зодгоҳаш огоз намуд. Ҳамчун муаллими тозақору соҳиби маҳорати педагогӣ, баъди чанд вақт ўро мудири қисми илмии мактаб ва қончишини ди-ректор доири корҳои тарбиявий таъин намуданд. Дар таъсири фаъолияти пе-дагогии Гаффор Норбоев дар ин дав-раҳо мактабро фазои солими қорӣ фаро гирифта буд.

Баробари қорҳои илмию педагогии мактаб бо матбуоти даврий иртиботи қавӣ пайдо намуда аз қору фаъолияти мактабу мардум ба рўзнамоҳои гуногуни даврий маводҳои хонданӣ интишор ме-намуд. Худ бевосита солҳои 1989-1992 чун ходими адабии саҳифаи тоҷикии рўзнамаи “Бойсун” ифои вазифа наму-да, ба хонданбоб шудани рўзнама ва аф-зудани обуначиён ҳиссагузур буд.

Чи тавре ки меғунд “Ҳар чӣ ояд, аз сари фарзанди одам бигзарад” мавсуф ҳам имтиҳонҳои саҳти зиндагиро паси

сар намуде, бо сабру матонат ҳамааш-ро бартараф карда тавонистааст. Ў аз саҳтиҳои зиндагӣ ба касе шикоят накар-дааст. Боз тавре, ки меғунд “Худаи ме-донисту Худояш. Ҳамааш гузашт. Имрӯз ў сарбаланду аз гирудорҳои зиндагӣ осу-да аст ва хуб даври пирий меронаду пай-васта аз паи қори хайру таблиғу таш-вики илму фарҳанг ва посдори фарзан-дони барўманди миллаташ аст. Дар чамъ-омади мутантане баъди таъсиси маркази маданияти миллии Тоҷикон” ўро бо як овоз раиси маркази милли ва маъри-фати тоҷикони ноҳия интиҳоб намуданд. Чун марди масъулиятшинос барои тарғ-

ибу паҳн намудани фарҳанги болову во-лои миллаташ бисёр қорабиниҳои қолиб дар доираҳои васеъ гузаронид. Аз инҳо бояд хотирасон шуд, аз “Шаби эҷодии” шоири имрӯзу фардои миллат, Чаъфари Мухаммад, ки дар ҳонаи маданияти ноҳия пуршукӯҳ баргузор гардид. Аз тамоми миқёси республика мухлису ихлосман-дони шоир чун намоянда иштирок наму-да соҳиббашнро табрик намуданд. Бо иштироки пайвандону мухлисон ва хо-нандагон пайваста гузаронидан ёдбуди Саттор Турсун, Иноят Насриддин, Пал-вон Шоинов, Мисир Эшнӣёзов ташаббус-кор Гаффор Норбоев мебошанд. Ростӣ бо иқор бояд гуфт, ин ҳама масъулияти қариби бемуздро ба ин синну сол, тағи ҳаштод дакка зада ҳеҷ кас намекунад. Бо ҳавсолаи хоҳишу роғиби домулло ҳавасам меояд.

Гаффор Норбоев дар ҳамкори бо ҳокимияти ноҳия бисёр қорабинию ро-битаҳои фарҳангиро мобайни ҷумҳуриҳои Ўзбекистону Тоҷикистон дар дўш дорад. Ба ин хотир бо сафоратхонаи ҷумҳурии Тоҷикистон дар Ўзбекистон, адабиётши-носи жарфбин, марди фозилу ҳудогоҳ Аб-

дучаббор Раҳмонзода робита дорад. Бояд гуфт бо ташаббус ва дастгирии ин марди хайрандеш Хайрулло Насрид-динов ба унвони “Ҳофизи Халқии То-ҷикистон” мушарраф гардид. Яъне тав-сияи маркази милли, ҳокимияти ноҳия ва вилоятро ин марди дилогӯҳ даст-гир намуда бо ҳуқумати Тоҷикистон баррасӣ намуд.

Гаффор Норбоев бо марди ҳудогоҳ Ҳамза Бозоров — директори ҳонаи ма-данияти ноҳия нақша доранд, ки “Шаби эҷодӣ”-и сарояндагони соҳибистеъод Раҳматулло Қодиров, Ҷўрабек Расу-лов, Нусратулло Раҳмонов, Салим Ра-суловро гузаро-нида бо эҷодиёти пурбаракати онҳ-ову ихлосмандо-нашон-ро баҳ-раманд гардо-нида-

нист. То ки хайрхоу дастгири санъа-ти ин ҳунармандони варзида афзонд. Муаллими мўҳтарам Гаффор Норбо-ев чун марди огоҳу донандаи гузаш-таву таърихи диёри хеш ҷустуҷӯи тад-қиқотҳои омўзишӣ илмӣ дорад. Аз ин хотир тахти наشريҳои гуногун кито-бҳои зеринро интишор намудааст: “Бойсун ҳардуриларининг шажараси” (2007), “Ҳардурилар этнографияси” (2015), “Сарнавишти ҳардуриён” (2019).

Инак, китоби навбатии муаллиф “Ҳардурихо авлоди Салмони форсист” аз тадқиқотҳои чандинсолаи муаллиф дастраси шумо хоҳад шуд. Ин китоби тадқиқотӣ дар бораи ин мрдми бо-нуфузу бо бофарҳанг маълумоти саҳеҳ медиҳад ва гузаштаи онҳо нақлу ри-воятҳои қолиб меорад.

Мавсуф 14-уми соли 2025 73 сола мешавад. Ўро бо мавлудаш муборак намуда, дар қору зиндагаш ҳамеша бурдборихо таманно дорем.

Салом АТОВЕВ,
омўзгори тоифаи олий, дорандаи мукофоти “Юрт ифтихори”.

Имсол аз ҶАНГИ АФҒОНИСТОН ҶАНГИ ХУНИН БУД

огози ҷанги Аф-ғонистон чили панҷ сол пур мешавад. Бо тақозои тақдир бан-да зиёда аз ду сол ҳаёти хешро дар ин сарзамин гузаронида, шоҳиди бисёр ҷангҳои хунин гаштам. Ҳар гоҳ он воқеаҳоро пеши назар орам, ди-лам ба ларза ояд. Агарӣ оҳу афғони ин мардум гуши фалақро кар карда бошад ҳам, ба доди онон касе намерасад. Хануз ҳам дар ин чо дасти хуно-шомии террористон ва гуруҳи ақидапарастони иртиҷой оромиву сулҳи пой-дори мардуми азиятқашидаи афғонро халалдор мекунамд.

Аз дасти мо бандиан оғиз чӣ ҳам меояд? Ҳамзамон пеши Худои яккаву ягона дуо мекунем, ки зудтар дар ин сарзамин осоишу оромӣ, сулҳу сафо барқарор гардад. Ин мардум мисли мову шумо дар кишвари азиии хеш зиндагӣ бофарағоти худро идома диҳанд.

Ҳоло барои хушдорӣ шумо, расидан ба қадри сулҳу осоиш-тагӣ аз он хотираҳои хунине, ки як замон шоҳидаш будам, чан-де нақл карданиам.

МУҲОСИРА ДАР ҶАМКАНИ

20-уми феввали соли 1986-ум. Фасли зимистон ханӯз идома дошт. Хуниқҳои сахт агарчи каме наст шуда бошад ҳам, ханӯз сардиҳои он давом меёфт. Он за-мон қароргоҳи мо дар вилоти Пактиё дар деҳаи Мукур воқеъ буд. Аз шаҳри Қобул хабар даррасид, ки қувваҳои мусаллаҳи армияи Афғонистон бо кўмаки қувваҳои маҳдуди иттиҳоди Шўравӣ барои қушода-ни роҳи “Қобул—Ғазни—Ғардез—Хўст” бояд тайёрии ҳамаҷониба бинанд. Баҳри ин мақсад ҷузву томҳои урдуи Афғонистон дар ин манотик қарор доштанд, тайёрии ҳамаҷониба медиданд. Шабу рӯз дар қис-мҳои низомии бо кўмаки мушовирини шўравӣ машқу тармим идома мекард. Он солҳо қисмҳои низомии Ҷумҳурии Афғо-нистон ба ин ҷангҳои бародарқушӣ тайёр набуданд. Техникаҳо, ҷузву томҳои пиё-дагард дар қисмҳои низоми аз рӯи рўйха-ти мавҷуда мувофиқат намекард. Шумо-рази сарбозон ва афсарон намерасид. Ҳар ҳафта дар қисмҳои низоми чандин нафар сарбозон ва афсарон роҳи гузрезро пеш мигирифтанд. Либосворӣ ва ишоаи онон ба таври бояду шояд расонида намешуд. Илова бар он, сарбозону афсарон мақса-ди ин ҷангҳои хеле хуб дарк карда, ҳеҷ майлу рағбати ҷанги муқобилро намеҳос-танд. Боре дар ғунди (полк) тўпчи мушо-вире ба афсаре суол дод, ки чаро аска-рони шумо дар набардҳо қаҳрамонона

Саломатлик

ҚУТУРИШ ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИК

Қутуриш касаллигининг ўта хавфлилиги ва унинг инсонларга ўтиши жуда ҳам осонлиги, му-олажалари эса узок давом этишини инобатга олган ҳолда бу касаллик ҳақида доимо матбуот орқали, шунингдек, жойларда тез-тез ўтказиб туриладиган учрашувлар, очик суҳбатларда аҳолини ушбу касаллик хавфидан огоҳ этиб ту-ришга мажбурмиз. Қолаверса, бу биз мутахас-сисларнинг профессионал бурчимиз ҳам.

Қутуриш касаллиги барча иссиқ қонли ҳайвонлар ва одамларга хос ўткир юқумли касаллик бўлиб, у нейротроп вируслар томонидан кўзгалади. Одатда касаллик одамга ит, мушук, тулки, бўри, кўршана-лак каби қутурган ҳайвонлардан уларнинг сўлаги орқали (тишлаганда) ўтади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра ҳар йили дунёда бир миллиондан кўп ҳайвонлар ва 50 минг нафар-дан ортиқ инсонлар ушбу касалликка чалинади.

Статистик маълумотларга кўра одамларда қуту-риш касаллигининг юқишига энг кўп сабабчи бўлган



ҳайвон — бу итлардир. Одатда бизнинг шароитимиз-да ҳам уй ҳайвонлари ичида одам билан энг кўп муносабатда бўлувчиси ит бўлгани, қолаверса, кўча-қўйда ҳам эгасиз итлар қўпчилиги боис қутуриш ка-саллигини тарқатувчи асосий омил итлар саналади. Шунингдек, чорва молларидан ҳам ушбу касаллик-нинг юқиш ҳолатлари кузатиб турилади.

Шу муносабат билан фуқаролардан ўзларига бу касалликни юқтириб олмаслик ва бошқа ақинлари-га ҳам хавф тугдирмасликлари учун қатъий эҳтиёт чораларига амал қилишларини сўраймиз. Хусусан, маҳалла-қўчангиз, ишлаб турган ташкилотингиз ҳудудларида ва уйингизда қаровсиз итлар пайдо бўлишига йўл қўйманг. Эғали итларни ҳудудий ве-теринария хизмати идорасига ўз вақтида ҳисобга қўйиб, қутуришга қарши эмлатиб туринг. Ит сақлаш қоидаларига қатъий амал қилинг. Ит, мушук ва бо-шқа уй ҳайвонлари билан муносабат чоғида, улар-нинг тағини тозалаш, оқватлантириш чоғида тишла-ри тегиши ҳолатидан ўзингизни асранг. Борди-ю тишлаш ҳолати юз берса зудлик билан тиббий ёрдам-га мурожаат қилинг ва бу ҳақда туман ветеринария хизмати идорасига хабар қилинг. Энг муҳими, уй ҳайвонларини қутуриш касаллигига қарши эмлашни унутманг, чунки эмлаш, ушбу касаллик пайдо бўли-шининг олдини олишда энг муҳим омилдир.

А.КЕНЖАЕВ,
туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлан-тириш бўлими бошлиғи.

дан шахсий кабинет орқали Estat-4.0 иловасидан электрон шак-лда тақдим этишлари мумкин.

Кўрсатиб ўтилган ҳисоботларни белгиланган муддатгача ўз вақ-тида тақдим этмаган ёки нотўғри тақдим этган корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда масъул ходимларга нисбатан Ўзбекистон Рес-публикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги қонунининг 40-мод-даси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғри-сидаги кодексининг 25-моддасига асосан маъмурий жавобгарлик кўрилиши тўғрисида огоҳлантираемиз.

БОЙСУН ТУМАН СТАТИСТИКА БЎЛИМИ.
Телефонлар: 97-533-04-08, 91-903-02-21.

ҶАНГИ АФҒОНИСТОН ҶАНГИ ХУНИН БУД

ҚАЙДҶО ВА ЁДДОШТҶО

намечанганд.

—Афсар, ки Фуломқодир ном дошт, аслу насаби хешро аз кўхистони Бадахшон ме-гуфт, дафъатан ба саволи мушовир чунин посух дод:

—Мушовир соҳиб, ин ҷанги мо ҷанги ме-ҳанӣ нест, — гуфт Фуломқодир. — Ин ҷанг ҷанги бародарқушист. Бародар ба баро-дари худ, падар бо писари хеш агарчи феълан сангар гирифтаанд, намеразманд. Онҳо хуб дарк кардаанд, ки ин қурбонҳои бемақсад аз қониби дассисабозони Ам-рико ва Покистони ба амал омада, ҳар ду қониб ба ғайр аз қушоқушиҳои бемақсад, ба натиҷае нахоҳанд расид. Аз ин чост, ки сарбоз намеҳодад дар сангари муқобил падар ё бародари хешро бидушад. Агар шумо аз таърихи сарнавишти халқи Афғо-нистон огоҳӣ дошта бошед, мебинед, ки халқи далери кишвари мо, чӣ гуна инги-лисҳои хунҳоро аз Ватани хеш пеш кар-данд. Бобову ришсафедони мо қисса ме-кунамд, ки мардум ба муқобили урдуи инглисҳо хунҳоро аз Ватани хеш пеш кар-данд. Шояд шумо ин гуфтаҳои маро муболиға шуморед, вале бо ит-минон меғўям, ки он ҳақиқати ҳол аст. Аз ин чост, ки сарбозону афсарон маъли-майлӣ ҷанг надоранд. Агар давлати шумо қудрату тавоноӣ дорад, бигзор ҳарду қонибро дар сари муросои милли даъват намоёд.

Нуралӣ РАҶАБ.

Давом дорад

Navoiy merosi — “oltin asr” adabiyotining betakror ijodi

9-fevral - soʻz mulkinging sultoni Alisher Navoiy tugʻilgan kun

Alisher Navoiy – Sharq adabiyoti tarixida yuksak oʻrin egallagan shoir, mutafakkir va davlat arbobi. U oʻzining noyob ijodi bilan oʻzbek adabiyotini yangi choʻqqilarga olib chiqdi va uni dunyo miqyosida tanitdi. Navoiyning merosi nafaqat oʻz davrida, balki bugungi kunda ham xalqimiz madaniyati va adabiyotining yuksak qadriyatlaridan biri sifatida eʼtirof etiladi.

Alisher Navoiyning adabiy merosi nihoyatda boy va rang-barang. Uning ijodiga nazm, nasr, tarix, falsafa va tasavvuf kabi koʻplab sohalar kiradi. U oʻzining mashhur “Xamsa” (beshlik) asari bilan oʻzbek adabiyotiga yangi uslub va yoʻnalish olib kirdi. Ushbu beshta doston – “Hayrat ul-abror”, “Farhod va Shirin”, “Layli va Majnun”, “Sabʼai Sayyor”, va “Saddi Iskandariy” – oʻzining badiiy goʻzalligi, maʼno chuqurligi va falsafiy mazmuni bilan butun musulmon Sharqida yuqori baholangan.

Navoiyning sheʼriyati inson qalbining eng nozik tuygʻularini aks ettiradi. Uning gʻazallari muhabbat, komillik, axloq va hayot falsafasini yoritib bergan. Shu bilan birga, Navoiy oʻz asarlarida adolat, insonparvarlik va ilm-maʼrifatni targʻib qilgan. U oʻz davri uchun adolatli jamiyat va mukammal inson idealini yaratishga intilgan. Alisher Navoiy oʻz ijodi orqali oʻzbek tilining

badiiy imkoniyatlarini yuksaltirdi va uni davlat tili darajasiga olib chiqdi. U forsij adabiyotga kuchli taʼsir koʻrsatgan boʻlsa-da, oʻz asarlarini ona tili – turkiy (oʻzbek) tilida yozib, uning boy va taʼsirchan ekanligini isbotladi. Uning “Muho-kama-t-ul-lugʻatayn” asari esa turkiy va forsij tillar q i y o s i g a bagʻishlangan boʻlib, turkiy tilning imkoniyatlarini ilmiy asosda namoyish etdi.

Navoiyning ijodi tasavvufiy-falsafiy gʻoyalar bilan boyitilgan. U inson ruhiyati, hayotning maʼnosi, ilohiy haqiqatga intilish kabi masalalarni chuqur oʻrganib, badiiy asarlarida bu mavzularni yuksak darajada tasvirlagan. Shoirning gʻazallaridagi ishq – bu nafaqat dunyoviy muhabbat, balki ilohiy ishqning ifodasi sifatida talqin qilinadi.

Alisher Navoiy ijodining markaziy mavzularidan biri muhabbat boʻlib, bu tuygʻu uning asarlarida nafaqat shaxsiy



Ishqing etagin jon iligi birla tutubmen,
Sen kirgali yodimgʻa oʻzumni unutibmen.

Koʻnglumga kelur har sori oʻq otsa, nedinkim,
Jon shirasidin ogʻzini oning chuchutubmen.

“Yoring, – dedilar, – gʻayr bila boda ichibtur”,
Tashqiqini bilguncha ne qonlarki yutubmen.

Garm oʻlmangiz, ahhob, tilab vasl charogʻin,
Menkim yuragim kuydi, ne chogʻligʻ yurutubmen.

Hajring tuni ollimgʻa ne mehnatki yetibtur,
Vasling kuni yodidin oʻzumni ovutubmen.

Xilvat asari ujb ekanin angladim, ey shax,
Ayb etma, fano dayrida gar kulba tutubmen.

Ashk ila Navoiy suv berur, sabr niholin,
Bilmaski, oni ohim oʻtidin qurutubmen.

Meni men istagan oʻz suhbatigʻa arjumand etmas,
Meni istar kishining suhbatin koʻnglim pisand etmas.

Ne bahra topqonmen andinki, mendin istagay bahra,
Chu ulkim bahrai andin tilarmen bahramand etmas.

Netay huru pari bazminki, qatlim yo hayotimgʻa
Ayon ul zahr chashm aylab nixon, bu noʻshxand etmas.

Kerakmas oy ila kun shaklikim, husnu malohatdin,

“Bobur dilbar shaxs, uygʻonish davrining tipik hukmdori, mard va tadbirkor odam boʻlgan. U sanʼatni, adabiyotni sevdi, hayotdan huzur olishni yaxshi koʻrad...”

Hindistonning buyk siyosiy va jamoat arbobi Javoharlaʼl Neru tomonidan berilgan ushbu taʼrif vatandoshimiz Zahiriddin Muhammad Boburning tarix sahifalarida shoh, sarkarda, shoir, olim sifatida naqadar oʻr chmas iz qoldirganining nishonasidir.

Bobur 1483-yil 14-fevralda Andijon shahrida, Fargʻona ulusining hokimi Umarshayx Mirzo va asli chingiziylardan boʻlgan malika Qutlugʻ Nigorxonim oilasida dunyoga keladi. “Bobur” soʻzi forsij tilda “babr”, yaʼni “bars”, “yoʻlbars” degan maʼnoni bildiradi. Boburning otasi Umarshayx Mirzo Sohibqiron Amir Temur avlodidan. 1494-yili Umarshayx Mirzo baxtsiz hodisa tufayli vafot etadi. 12 yoshida Bobur otasining oʻrniga taxtga oʻtiradi. Yosh Boburning bolalik va oʻsmirlik yillari taxt uchun ayovsiz kurashlar girdobida oʻtdi...

Oʻzbek adabiyotida Vohid Zohidov, Hamid Sulaymon, Sabohat Azimjonova, Hamidulla Hasanov kabi tadqiqotchilar boburshunos olim va olimalar sifatida tadqiqotlarni olib borishgan. Jumladan, Hamid Sulaymon Mirzo Boburning tafakkur olami qay darajada shakllanganligi haqida: “Shubha yoʻqki, u dastlabki maʼlumotni Andijonda oʻz ona tili boʻlgan oʻzbek tilida oladi. Mirzo Boburning ijtimoiy, falsafiy oʻrganishlari, uning estetik taʼbi va ilmiy qiziquvchanligi Mirzo Ulugʻbek, Alisher Navoiy, Abdurahmon Jomiy, Lutfiy va boshqa klassiklarning oʻlmas asarlari taʼsirida shakllandi...” degan mulohazalarini bayon qiladi.

Shoh va olimning “Boburiya”, “Voqeoti Bobur”, “Voqeanoma”, “Tuzuki Boburiy” nomlari bilan mashhur boʻlgan “Boburnoma” asari haqida mulohazalarga toʻxtalsak, asar eski oʻzbek (chigʻatoy) tilida taxminan 1518/1519-1530 yillar davomida yozilgan. Markaziy Osiyo, Afgʻoniston va Hindistonda sodir boʻlgan tarixiy-siyosiy voqealar yilma-yil oʻta aniqlik bilan bayon qilingan boʻlib, ular muallif hayoti va

Ichim ul chok- chok etmas, tanim ul band- band etmas.

Kerak oʻz chobuki majnunvashi qotil shiorimkim,
Buzugʻ koʻnglimdin oʻzga yerga javloni samand etmas.

Koʻngul uz charx zolidin, firibin yemakim, oxir
Ajal sarrishtasidin oʻzga boʻynungʻa kamand etmas.

Ul oy oʻtlugʻ yuzun ochsa, Navoiy tegmasun deb koʻz,
Muhabbat tuxmidin oʻzga ul oʻt uzra sipand etmas.

Dema, mehnat togʻining Farhodi sargardonimen,
Toza yuz ming dogʻ ila ul qullaning qaplonimen.

Lamʼayi ruxsoridin parvonadek kuysam, ne tong,
Menki yillar ul malohat shamʼi sargardonimen.

Husnungga hayron esam, kelmas ulus hayronligʻi,
Kimki hayroning emastur, men aning hayronimen.

Men oʻlar holatdayu, jon qasdi aylar ul pari,
Odamiyliq koʻrguzurkim, bir nafas mehmonimen.

Gar koʻngul buzdi meni, yor erdi bois, shukrkim,
Chugʻzning yoʻq, bir malohat gangining vayronimen.

Dayr piri tutsa may, noʻsh etsam ermas aybkim,
Zahr agar ich derkim, aning bandayi farmonimen.

Telbalikdin aql sori istamish zohid meni,
Ey Navoiy, muncha nodon bilmas erdim oni men.

"BOBURNOMA"- SHARQ ADABIYOTINING NODIR XAZINASI

siyosiy faoliyati bilan bevosita bogʻliqdir. “Boburnoma” oʻzida bayon qilingan voqealar jarayoniga koʻra 3 qismga: Boburning Movarounnahr (1494-1504), Afgʻoniston (1504-1524) va Hindiston (1524-1530)dagi hukmdorlik davriga boʻlinadi. “Boburnoma”da keltirilgan barcha maʼlumotlar, xususan, Fargʻona, Toshkent, Samarqand, Hisor, Chagʻaniyon va Shimoliy Afgʻonistonning 15-asrning 80-90 yillari va 16-asr 1-choragidagi siyosiy ahvoliga doir xabarlar oʻzining batafsilligi bilan shu xususdagi boshqa adabiyotlardan tubdan farq qiladi. Shuningdek, muallifning Umarshayx, Sulton Ahmad, Sulton Mahmud, Boysunqor Mirzo, Sulton Husayn kabi temuriylarning xulq-atvori, tabiati xususida bildirgan fikr-mulohazalari ham ahamiyatlidir. Asarda ijtimoiy-tabiiy fanlar, tarix, falsafa, fiqh, din taʼlimoti, tilshunoslik, jugʻrofiya, tabiatshunoslik, maʼdانشunoslik, dehqonchilik, bogʻdorchilik va boshqalarga oid aniq va hanuzgacha oʻz tarixiy va ilmiy asoslangan xulosalar keltirilgan Fargʻona, Andijon, Samarqand, Kobul, Hirot, Agra kabi yirik shahar, viloyatlarning jugʻrofiy-maʼmuriy tuzilishi, madaniy hayoti, tumanlari, aholisi, qishloq xoʻjaligi, daryo va suv hazzalari, choʻl-adirlari, togʻ, sahrolari, tabiati, iqlimi, hayvonot va oʻsimlik dunyosi, tabiiy boyliklari haqida mufasssal maʼlumotlar beriladi. “Boburnoma”da Alisher Navoiy, Abdurahmon Jomiy, Shayxim Suhayliy, Husayn Ali Tufayliy, Osafiy, Binoiy, Sayfiy Buxoriy, Ohiy, Muhammad Solih kabi oʻnlab ijodkorlar, Xoja Abdullo Marvari, Qul Muhammad, Udiy, Shayx Novuji, Yusuf Ali, Mullo Jorak, Shohquli Gʻijjaki, Husayn Udiy, Behzod, Shoh Muzaffar kabi koʻplab sanʼatkorlar tavsif etilib, ularning ijodiy faoliyatlariga xolis baho beriladi. Jumladan, Alisher Navoiy haqida shunday deyiladi: “Alisherbek naziri yoʻq kishi edi. Turkiy til bila to sheʼr aytibturlar, — hech kim ancha koʻp va

xoʻp aytgan emas”.

Bu bebaho asar Fransiya, Rossiya, Hindiston, Pokiston, Afgʻoniston, Turkiya, Yaponiya kabi oʻnlab mamlakat olimlarining ilmiy tadqiqotlarida insoniyat yaratgan oʻlmas obidalar qatorida alohida oʻrinda turishi taʼkidlanadi.

“Boburnoma”ning jahonga mashhur boʻlishida asosan, ingliz sharqshunoslarining xizmati katta boʻldi. Yevropadagina emas, balki jahonda birinchi toʻliq nashrini 1826-yilda J.Leyden va V.Erskin amalga oshirdi. 1921-yilda ingliz sharqshunosi A.Beverij “Boburnoma”ni mustaqil suratda asl ruschadan qayta tarjima qildi. Birgina Angliyaning oʻzida “Boburnoma” tarjimalari 9 marta nashr etildi. Keyingi yillarda bu nodir asar professor V.Takston tomonidan AQSHda — Kembrij shahri, Garvard universitetida — 1993-yilda hamda Yaponida 1995-1996 yillarda nashr etildi.

Bu nodir durdonaning baʼzi bir oʻrinlariga toʻxtaladigan boʻlsak, Bobur kalom ilmining peshvolaridan boʻlgan Moturidiya taʼlimotining asoschisi Shayx Moturidiyni ham alohida ulugʻlab (“Imomul-hudo”, “Imomul-mutakallimon”) tilga oladi, “Mubayyin”da esa oʻzining aqidaga oid qarashlarini shu taʼlimot asosida ifodalaydi. Uning taʼlimoti, yoʻnalishlari va ilmiy asarlari xususida iliq fikrlarini bayon etadi: “Shayx Abu Mansurkim, aimmayi kalomdindur, Samarqandning Moturid otliq mahallasindandur. Aimmayi kalom ikki firqadur, birni “moturidiya” derlar, birni “ash-ariya”. Moturidiya Shayx Abu Mansurqʻa mansubdir”.

Shuningdek, “Boburnoma”da Hindistonning baʼzi bir mevalari haqida ham qimmatli maʼlumotlar berilgan. Misol qiladigan boʻlsak, keylaning oʻziga xos jihatlar shunday tavsiflanadi : “Yana bir mevasi keyladir. Daraxt unchalik baland emas, balki daraxt deb ham boʻlmas. Buta bilan daraxt orasidagi bir narsadir. Gʻunchasining har bargi ochilgach, bargining tubida qator asti-etti guli boʻladi.

kechinma yoki hissiyot, balki yuksak falsafiy, maʼnaviy va ilohiy tushuncha sifatida tasvirlangan. Navoiy muhabbatni inson qalbining eng yuksak sifatlaridan biri deb bilgan va uni turli qirralardan yoritgan.

Navoiy asarlarida muhabbat ikki asosiy yoʻnalishda namoyon boʻladi:

1. Ilohiy muhabbat (ishqi ilohiy) – bu Allohga boʻlgan sevgidir. Navoiy bu muhabbatni insonni maʼnaviy kamolot sari eltuvchi qudrat sifatida koʻradi. “Lison ut-tayr” asarida insonning ilohiy muhabbat orqali haqiqatni izlab topishi va oʻzlikni anglash yoʻlidagi kurashi tasvirlanadi. U Allohga boʻlgan sevgi bilan bandanin bu dunyodagi vazifalarini, qalb pokligini va komillikka erishishini oʻz asarlarida chuqur ifoda etgan.

2. Insoniy muhabbat (ishqi insoniy) – bu insonlar oʻrtasidagi sevgi boʻlib, Navoiy asarlarida u ilohiy muhabbatga eltuvchi yoʻl sifatida talqin etiladi. “Farhod va Shirin” dostonida Farhodning Shiringa boʻlgan sevgisi nafaqat insoniy his-tuygʻularni, balki fidoyilik va yuksak maqsadlar yoʻlidagi kurashni ham anglatadi. Ushbu asarda muhabbatning maʼnaviy va ijtimoiy ahamiyati chuqur ochib berilgan.

Navoiy ijodida muhabbat koʻpincha ramziy maʼno kasb etadi. U goʻzallikni Allohning yaratuvchilik qudratining bir koʻrinishi sifatida talqin qiladi. Masalan, sevgilining jamoli va husni orqali insonni ilohiy goʻzallikni

GʻAZAL

Tun oqshom boʻldi-yu, kelmas mening shamʼi shabistonim,
Bu anduh oʻtidin har dam kuyar parvonadek jonim.

Ne gʻam, koʻrguzsa koʻksum porasin choki giribonim,
Koʻrinmas boʻlsa koʻksum yorasidin dogʻi pinhonim.

Gʻamidin durri maknundek sirishkim oqti JayhundeK,
Muzayyan qildi gardundeK jahonni ashki gʻaltonim.

Falak ham toʻldi kavkabdin, quyosh ham tushti ashhabdin,
Kelib tushmasmu markabdin mening xurshidi raxshonim?

Jahonni zulmat etti chah, bu zulmat ichra oʻlgum, vah,
Menga boʻlsang ne Xizri rah, yetib, ey, obi hayvonim.

Dema koʻktin quyosh ketmish, falakka tiyralik yetmish,
Ul oy hajrida tor etmish falakni dudi afgʻonim.

Quyosh qochib – yuzin uydi, shafaq oʻtqa tushub – kuydi,
Falakka dogʻlar qoʻydi gʻamingdin soʻzi pinhonim.

Navoiy kibi hijrondin bu oqshom oʻldum afgʻondin,
Gʻamim yoʻq boʻyla yuz jondin, yetib gar kelsa jononim.

Bu qator gullar keyla boʻladi”.

Mirzo Bobur sheʼriyatiga nazar tashlaydigan boʻlsak, poetik fikr ifodasining milliy tafakkurga tayanishi Bobur lirikasida aks etgandir. Shoir turkiy tilning ifoda imkoniyati nechogʻliq keng ekanini teran his etgan, asarlarida asl turkiy soʻzlardan keng va mahorat bilan foydalana bilgan.

Ne boʻlgʻaysen mening dardu
gʻamim har soatu har dam —
Ki, husn usrukligidin oyu yil, ey oy, oyilmaysen.

Bayt mazmuniga ochqich vazifasini oʻtovchi “usrukligidin” hamda “oyilmaysen” soʻzlari Bobur sheʼriyatida ancha faol qoʻllangan sof turkiy tushunchalardir. Bobur lirikasida hazrat Alisher Navoiy “turk shuaroisi xossasi” sifatida taʼriflagan tuyuq janrining ham yuksak poetik namunalari bor. Shoirning milliy tafakkur va millat ruhi yorqin namoyon boʻlgan tuyuqlaridan biri:

Ne balo, biyikturur davlat togʻi,
Koʻhi gʻamni ne bilur davlat togʻi.
Himmate tut, dogʻi davlat istagul,
Himmatig boʻlsa, bu lur davlat togʻi.

Ushbu tuyuqda tajnis boʻlib kelgan “davlat togʻi” soʻzi birinchi misrada “davlatning ulugʻvorligi”, ikkinchi satrda “davlatga erishgan kishi”, toʻrtinchi qatorda esa “davlat ham” maʼnolarida kelgan.

Shoir teran falsafiy mazmunni tajnisi tomm orqali goʻzal badiiy shaklda ifoda etgan. Shuning barobarida, ijodkor ushbu tuyuqda turkiy millatga xos baland himmatni ulugʻlagan.

Xulosa qilib aytadigan boʻlsak, Zahiriddin Muhammad Bobur shoir, davlat arbobi, mohir sarkarda sifatida buyuk meros qoldirganki, bu meros nafaqat xalqimizning, balki jahon klassik adabiyotining eng nodir namunalari sifatida toabad butun bashariyatning bebaho maʼnaviy boyligi boʻlib qolajak.

Aziza POʻLATOVA,
Boysun ixtisoslashgan maktabning ona tili va adabiyoti fani oʻqituvchisi.

tushunishga chorlaydi. Bu jihat “Xamsa” dostonlarida koʻzga yaqqol tashlanadi. Goʻzal sevgili obrazi faqat jismoniy emas, balki maʼnaviy goʻzallikning ramzidir.

Navoiy muhabbatni inson qalbini poklaydigan va maʼnaviy komillikka olib boradigan kuch sifatida koʻradi. Unga koʻra, chin sevgi nafsni yengib, haqiqiy haqiqatni anglashga yordam beradi. “Layli va Majnun” dostonida Majnunning Layliga boʻlgan sevgisi uni dunyoviy hayotdan uzib, ilohiy haqiqatga yaqinlashtiradi. Bu sevgi tasavvufiy qarashlar bilan hamohang boʻlib, Allohga boʻlgan maʼnaviy intilishni aks ettiradi.

Alisher Navoiy ijodida muhabbat inson qalbining eng yuksak his-tuygʻusi sifatida tasvirlanadi. U muhabbatni nafaqat shaxsiy, balki falsafiy va ilohiy tushuncha sifatida talqin etib, insonni maʼnaviy kamolotga yetaklovchi yoʻl sifatida koʻrsatadi. Navoiy asarlaridagi muhabbat mazmuni bugungi kunda ham inson qalbini poklash va maʼnaviy oʻsishni targʻib etuvchi buyuk manba boʻlib qolmoqda.

Alisher Navoiyning merosi bugungi kunda ham oʻz dolzarbligini yoʻqotmagan. Uning asarlari jahonning koʻplab tillariga tarjima qilingan va dunyo adabiyoti xazinasidan mustahkam oʻrin olgan. Uning sheʼrlari inson qalbini poklash, komillikka intilish va ilm-maʼrifatni qadrlashga undaydi.

14-fevral - shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Bodur tugʻilgan kun



Keltursa yuz baloni oʻshal bevafo manga,
Kelsun agar yuzumni evursam,balo manga.

Netgayman ul rafiq bilakim,qilur base,
Mehru vafu – raqibgʻa, jabru jafu manga.

Begona boʻlsa aql meni telbadin,ne tong,
Chun boʻldi ul parisifatini oshno manga.

Ohu yoshimdin ortadurur zaʼf, ey tabib,
Bildim: yarashmas emdi bu obu hava manga.

Dardim koʻrub muolajada zoyeʼ etma umr –,
Kim, jonda dardi ishq durur bedavo manga.

To yor kimni istaru koʻngliga kim yoqar,
Tashvish bejihat durur oxir sango,manga.

Bobur, boʻlubturur ikki koʻzum yoʻlida toʻrt,
Kelsa ne boʻldi qoshima bir-bir mango manga.

Ne xush boʻlgʻayki, bir kun uyquluq baxtimni uygʻotsam,
Kechalar tori moʻyidek beligʻa chirmashib yotsam.

Gahi guldek yuzini ul shakar soʻzlukni islasam,
Gahi shakkar kibi ul yuzi gulning laʼlidin totsam.

Qani Shirin bila Layliki sendin noz oʻrgansa,
Qani Farhodu Majnunkim, alargʻa ishq oʻrgatsam!

Yoruq kunduz,qorongʻu kechada anjum kibi boʻlgay,
Chekib gar oh dudini koʻngul oʻtini tutratsam.

Koʻzum ravshanligʻida boʻlgʻay, Bobur, base kamligʻ,
Agar qoshi bila yuzun hilolu kunga oʻxshatsam.

Sochining savdosi tushti boshima boshdin yana,
Tiyra boʻldi roʻzgʻorim ul qaro qoshdin yana.

Men xud ul tifi parivashgʻa koʻngul berdim, vale,
Xonumonim nogahon buzulmagʻay boshdin yana.

Yuz yomonliq koʻrub ondin telba boʻldung, ey koʻngul,
Yaxshiligʻni koʻz tutarsen ul parivashdin yana,

Tosh urar atfol mani, uyida forigʻ ul pari,
Telbalardek qichqirurmen har zamon toshdin yana.

Oyogʻim etgancha Boburdek ketar erdim, netay,
Sochining savdosi tushti boshima boshdin yana.

Jonimdin oʻzga yori vafodor topmadim,
Koʻnglumdin oʻzga mahrami asror topmadim.

Jonimdin oʻzga jonni dilafgor koʻrmadim,
Koʻnglum kibi koʻngulni giriftor topmadim.

Usruk koʻziga toki koʻngul boʻldi mubtalo,
Hargiz bu telbani yana hushyor topmadim.

Nochor furqati bila xoʻy etmisham, netay,
Chun vasligʻa oʻzumni sazovor topmadim.

Bore boray eshigiga bu navbat, ey koʻngul,
Nechaki borib eshigiga bor topmadim.

Bobur, oʻzungni oʻrgatakoʻr yorsizki, men
Istab jahonni muncha qilib yor topmadim.